

Рамазон ёки жумада оламдан ўтса...

03:53 / 03.06.2017 6972

Савол: Ҳурматли устозимиз Ҳазрат Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф жаноблари. Аллоҳ бунданда зиёда этсин ва мудом паноҳида асрасин. Бизнинг бахтимизга ҳамиша Омон бўлинг устоз.

Узр, қисқа қилсам. Устоз, бир суҳбатда агар инсон рамазон ёки жумада оламдан ўтса, у албатта жаннатга тушади деган гапни айтишганди. Бир одам бизда рамазонда оламдан ўтганди. Бенамоз ва жудаям ароққа муккасидан кетган, қарта ўйинда профиссионал эди. Лекин доим ғийбатни қоралар ва олдида ғийбатга йўл қўймасди. Ва шу одатини пеш қилиб арақ ичавераман дерди. Анча ёшда вафот этди. Албатта унинг қаерга бориши Аллоҳга ҳавола. Аммо шу ҳолат қурол бўлиб, айрим отахонлар масжидга ичган ҳолда боришгача боряптилар. Шу ростми? Далили йўғу, рамазон ва жума ҳурматини ҳадисдан олишармиш. Мавҳумлигича қолганди шу бизга. Илтимос, бизда китобларингизни доим топиб ўқиш имкони ҳозир муаммороқ. Биз Ўзбекистонда эмасмиз. Жавоб берсангиз Ҳазрат. ЖазаакаАллоҳу хойрун!!!

Жавоб: [Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

Мазкур гап асоссиз. Жума ва Рамазон ҳурматида саволи ортга сурилади, холос. Жума ва Рамазон тугаши билан қилганига яраша берилади.